

## Қандай амал Аллоҳ учун энг маҳбубдир?



08:45 / 28.01.2019 5563

*Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Қандай амал Аллоҳ учун энг маҳбубдир?», деб сўралди.**

**«Оз бўлса ҳам, давомлиси», дедилар».**

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.*

Саҳобаи киромларда Аллоҳга маҳбуб бўлган амални қилишга иштиёқ зўр эди. Улар Аллоҳга маҳбуб амалларнинг ичидан ҳам энг маҳбубини қилишга ҳаракат қилар эдилар.

Буни билиб олиш учун Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга савол бердилар:

## **«Қандай амал Аллоҳ учун энг маҳбубдир?»**

Расуллулоҳ бу саволга:

**«Оз бўлса ҳам? давомлиси»**, деб жавоб бердилар.

Ҳа, Исломда давомсиз кўп амалдан кўра, давомли оз амал яхшидир. Чунки Ислом яхшиликнинг доимий бўлишини хоҳлайди.

Мусулмон одам ҳафтанинг маълум кунда яхши амал қилиб, мусулмонлик тақозоси билан иш кўриб, қолган кунларида ҳар хил ёмонликларни қилавермайди. Мусулмон одамнинг ҳар бир куни яхши бўлади. Оз бўлса ҳам, ҳар доим яхши амал қилади. Ҳамма яхшилик ана ўшанда.

Биз мусулмонлар худди шу ишни ҳаммамиз амалга оширишимиз керак. Афсуски, кўпчилик биродарлар жумъа кунда, ҳайит кунларида, Рамазон ойида ўзларини жуда яхши тутадилар-да, қолган вақтларда турли ҳолатларда бўлишни ўзларига раво кўрадилар. Албатта, мазкур кун ва ойларда кўп яхши бўлиш мақбул ва савобли иш.

Аммо бошқа вақтларда ҳам ўша ҳолатда бўлишга ҳаракат қилиш лозим.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан***